“O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI" АЖ
акциядорларининг
2016 йил 30 июнда ўтказилган
умумий йиғилишида
«ТАСДИҚЛАНГАН»
Умумий йиғилиш раиси

_____ М.К.РАДЖАПОВ

“O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI" АЖнинг тафтиш комиссияси тўғрисида НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚИСМ

1.1. Мазкур Низом "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва "O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI" акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Низом тафтиш комиссиясининг мақомини, таркибини, функцияларини, ваколатларини, унинг ишлаш тартибини ва акциядорлик жамияти бошқарувнинг бошқа органлари билан ҳамкорлигини белгилаб беради.

II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Тафтиш комиссияси акциядорлик жамиятининг органи ҳисобланиб, акциядорлик жамиятининг фаолияти, унинг таркибий

бўлинмалари ва хизматлари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан ички молия—хўжалик ва ҳуқуқий назорат қилиш функцияларини амалга оширади.

2.2. Ўз фаолиятида тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси қонунларига, давлат бошқаруви органларининг қонуности ҳужжатларига, "O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI" акциядорлик жамияти Уставига, мазкур Низомга ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган ҳамда тафтиш комиссияси ва унинг аъзолари фаолиятига тааллуқли бўлган акциядорлик жамиятининг бошқа ҳужжатларига амал қилади.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

3.1. Жамиятнинг молия—хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга тафтиш комиссияси сайланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма—кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.2. Жамият ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

3.3. Тафтиш комиссияси ўз таркибидан Раисни сайлайди. Тафтиш комиссияси Раиси: мажлисларни чақиради ва ўтказади; унинг мажлислари баённомалари юритилишини ташкил этади; тафтиш комиссиясининг жорий ишини ташкил қилади; бошқарув, кузатув кенгаши мажлисларида, акциядорлар умумий йиғилишида унинг номидан вакил бўлади.

3.4. Акциядорлик жамияти ижроя органи аъзолари тафтиш комиссияси таркибига кириш ҳуқуқига эга эмаслар.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

4.1. Жамиятнинг молия—хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

4.2. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига кўра жамият бошқарув органларида лавозим эгаси бўлган шахслар унга молия—хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Жамиятнинг тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Ўз функцияларини бажариш пайтида тафтиш комиссияси қуйидаги ишларни амалга оширади:

— Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳужжатларини, мол—мулкни инвентарлаш бўйича хулосасини текшириш, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

— Акциядорлик жамияти номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб—китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

— юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

— молиявий—хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган меъёрий кўрсаткичлар, қоидалар ва ҳоказоларга риоя қилинишини текшириш;

— Акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини, унинг тўловга қобиллигини, активларнинг ликвидлигини, ўзининг ва қарз маблағлари нисбатини таҳлил қилиш; корхонанинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, резервларини яхшилаш ва Акциядорлик жамияти бошқарув органлари учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

— маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилари томонидан бюджетга тўловлар, облигациялар бўйича дивидендлар, фоизлар ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар узилиши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилаётганини текшириш;

— солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун акциядорлик жамиятининг балансларини, ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;

— Кузатув кенгаши ёки акциядорлик жамияти бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўғрилигини, уларнинг акциядорлик жамияти Уставига, акциядорлик жамияти бошқаруви тўғрисидаги низомга ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига мувофиқлигини текшириш;

— акциядорлар Умумий йиғилишлари қарорларини таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларидан тафовут қилган тақдирда уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

5.1. Тафтиш комиссияси ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

— Акциядорлик жамиятининг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан Тафтиш комиссияси талаб қилган, унинг иши учун зарур бўлган, Тафтиш

комиссиясининг функциялари ва ваколатларига мувофиқ келадиган барча ҳужжатларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг ёзма сўровидан кейин уч кун мобайнида тақдим этилади;

— ишлаб чиқариш—хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланиши ёки акциядорлик жамияти манфаатларига таҳдид солиниши акциядорлик жамияти мазкур бошқарув органларининг ваколатида бўлган масалаларни ҳал қилишни талаб этадиган ҳолларда ваколатли шахслардан бошқарув, кузатув кенгаши мажлисларини, акциядорлар умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

— ишлаб чиқариш—хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки акциядорлик жамияти манфаатларига бошқача хавф таҳдид солинган ҳолларда акциядорлик жамиятининг умумий йиғилишини чақириш (бир овоздан қарор қабул қилинган ҳолда);

— Акциядорлик жамияти ходимларидан, шу жумладан исталган мансабдор шахсларидан, тафтиш комиссияси ваколатида бўлган масалалар бўйича шахсан тушунтириш беришни талаб қилиш;

— Акциядорлик жамиятида штат лавозимларини эгалламаган мутахассисларни шартнома асосида ўз ишига жалб этиш;

— Акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдига, акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинаётган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузганлари тақдирда, акциядорлик жамияти ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

6.2. Текширишларни ўтказиш пайтида тафтиш комиссияси аъзолари текширув мавзуига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб текширишга мажбурдирлар. Нотўғри хулосалар учун тафтиш комиссияси аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланадиган мезонларда жавобгар бўладилар.

6.3. Агар унга берилган ваколатларнинг амал қилиш муддати мобайнида тафтиш комиссиясининг аъзоси ўз функцияларини бажаришини тўхтатса, бу ҳақда у кузатув кенгашини тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин хабардор қилиши

шарт. Бу ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши ўзининг энг яқин вақтда ўтказиладиган мажлисида тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

6.4. Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:

— акциядорлар Умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроя органи эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини акциядорлик жамияти бошқарув органлари мажлисларидаги ёзма ҳисоботлар, маърузаномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

— тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган, сир сақланадиган маълумотларни эълон қилмаслик;

— Акциядорлик жамияти манфаатларига ҳақиқатда хавф таҳдиди пайдо бўлган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган суиистеъмолликлар аниқланган тақдирда ваколатли органлардан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш.

6.5. Тафтиш комиссияси кузатув кенгашига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига ками билан 30 кун қолганда молия ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини юритиш қоидалари ва тартибларига мувофиқ йиллик ҳисоботлар ва балансларбўйича хулоса тақдим этади. Унинг хулосаси бўлмаганда Умумий йиғилиш балансни тасдиқлашга ҳақли эмас.

6.6. Жамиятнинг молия—хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия—хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Тафтиш комиссияси режадан ташқари тафтишларни акциядорлик жамияти оддий акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорларнинг ёки кузатув кенгаши аъзолари кўпчилигининг ёзма сўровига биноан ўтказади.

VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

7.1. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида барча масалаларни ҳал этади. Тафтиш комиссияси Мажлислари тасдиқланган режа бўйича, шунингдек текширув ёки тафтиш бошланиши олдидан ва уларнинг натижалари бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссиясининг шошилинч қарори талаб этиладиган қонунбузарликлар аниқланган тақдирда

Тафтиш комиссияси аъзоси комиссиянинг мажлисини зудлик билан чақиришни талаб қилиши мумкин.

7.2. Унда комиссиянинг 3та аъзосидан камида 2таси иштирок этганда, Тафтиш комиссиясининг мажлиси қонуний деб ҳисобланади.

7.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосалари мажлисда қатнашаётганларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар тенг бўлганда Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига рози бўлмаганларида мажлис баённомасида алоҳида фикрларини қайд эттиришга ва уларни ижроя органи, кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши эътиборига етказишга ҳақлидирлар.

Тафтиш комиссияси далолатномаларига ва хулосаларига комиссиянинг барча аъзолари имзо чекадилар.

VIII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият тафтиш комиссияси аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

“O`ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI" АЖ
Умумий йиғилиш котиби **М.З.Юсупова**